

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2021.Gr.02.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

БАЛТАБАЕВ ОМИРБАЙ ОСЕРБАЕВИЧ

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЙКОНИМЛАРИНИНГ
ИЖТИМОЙ-ГЕОГРАФИК ТАҲЛИЛИ**

11.00.02 – Иқтисодий ва ижтимоий география

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2022

УДК: 911.3:30:911.372.2(575.172)

**География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси
автореферати мундарижаси**

**Оглавление автореферата диссертации доктора философии (PhD) по
географическим наукам**

**Contents of dissertation abstract of doctor of philosophy (PhD) on
geographical sciences**

Балтабаев Омирбай Осербаевич

Қорақалпоғистон Республикаси ойконимларининг

ижтимоий-географик таҳлили 3

Балтабаев Омирбай Осербаевич

Социально-географический анализ ойконимов

Республики Каракалпакстан 21

Baltabaev Omirbay Oserbayevich

Social-geographical analysis of the oikonyms of the

Republic of Karakalpakstan 39

Эълон қилинган ишлар рўйхати

Список опубликованных работ

List of published works 43

**ШАРОФ РАШИДОВ НОМИДАГИ САМАРҚАНД ДАВЛАТ
УНИВЕРСИТЕТИ ҲУЗУРИДАГИ ИЛМИЙ ДАРАЖАЛАР БЕРУВЧИ
PhD.03/30.12.2021.Gr.02.07 РАҚАМЛИ ИЛМИЙ КЕНГАШ**

НУКУС ДАВЛАТ ПЕДАГОГИКА ИНСТИТУТИ

БАЛТАБАЕВ ОМИРБАЙ ОСЕРБАЕВИЧ

**ҚОРАҚАЛПОҒИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЙКОНИМЛАРИНИНГ
ИЖТИМОЙ-ГЕОГРАФИК ТАҲЛИЛИ**

11.00.02 – Иқтисодий ва ижтимоий география

**ГЕОГРАФИЯ ФАНЛАРИ БЎЙИЧА ФАЛСАФА ДОКТОРИ (PhD)
ДИССЕРТАЦИЯСИ АВТОРЕФЕРАТИ**

Самарқанд – 2022

География фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) диссертацияси мавзуси Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Олий аттестация комиссиясида В2022.1.PhD/Gr181 рақам билан рўйхатга олинган.

Диссертация Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институтида бажарилган.

Диссертация автореферати уч тилда (ўзбек, рус, инглиз (резюме)) Илмий кенгаш веб-саҳифаси (www.samdu.uz) ҳамда «Ziyonet» ахборот-таълим порталида (www.ziyonet.uz) жойлаштирилган.

Илмий раҳбар:

Турдимамбетов Изимбет Рахметович
география фанлари доктори, доцент

Расмий оппонентлар:

Уразбаев Абдукарим Кендирбаевич
география фанлари доктори, доцент

Хакимов Кўчқор Махкамович
география фанлари номзоди, доцент

Етакчи ташкилот:

Наманган давлат университети

Диссертация ҳимояси Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети ҳузуридаги Илмий даражалар берувчи PhD.03/30.12.2021.Gr.02.07 рақамли Илмий кенгашнинг 2022 йил «20» декабрь соат 10⁰⁰ даги мажлисида бўлиб ўтади. (Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Муқимий кўчаси, 45-уй. Тел.: (+99895) 410-20-10, факс: (+99866) 239-19-36; E-mail: ik-geografiya2019@mail.ru. Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университети, Юридик факультети).

Диссертация билан Шароф Рашидов номидаги Самарқанд давлат университетининг Ахборот-ресурс марказида танишиш мумкин (№ _____ рақами билан рўйхатга олинган). Манзил: 140104, Самарқанд шаҳри, Университет хиёбони, 15-уй. Тел.: (+99866) 233-60-87.

Диссертация автореферати 2022 йил «6» декабрь куни тарқатилди (2022 йил «2» декабрдаги 35-рақамли реестр баённомаси).

С.Б.Аббасов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш раиси, г.ф.д., профессор

Б.А.Мелиев

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш котиби, география фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD)

А.Абдулқосимов

Илмий даражалар берувчи Илмий кенгаш қошидаги Илмий семинар раиси, г.ф.д., профессор

КИРИШ (фалсафа доктори (PhD) диссертацияси аннотацияси)

Диссертация мавзусининг долзарблиги ва зарурати. Жаҳонда жой номлари, уларнинг ижтимоий-сиёсий ва тарихий-маданий аҳамиятига катта эътибор қаратилмоқда. Хусусан, БМТда географик номлар бўйича фаолият юритувчи Экспертлар гуруҳи (UNGEGN) географик номларда маданият, мерос, ландшафт элементлари акс этишини ҳисобга олиб, улардан тўғри фойдаланиш маҳаллий, миллий ва халқаро ташкилотларга «экология, барқарор ривожланиш ва табиатни муҳофаза қилиш; табиий офатларни олдини олиш ва бартараф этиш йўналишидаги фаолиятларида фойда келтириши мумкинлиги»ни таъкидлайди¹. Мазкур ҳолат худудларнинг топонимияси, жумладан, аҳоли пунктлари номлари, яъни ойконимларни ижтимоий-географик жиҳатдан тадқиқ этишни тақозо этади.

Дунё миқёсида жой номларининг ёзилишини ва таржима қилинишини стандартлаштириш, географик объектларга ном бериш ва уларни қайта номлаш принципларини асослаш, географик номларнинг расмий реестрларини тузиш, топонимика бўйича маълумотнома адабиётларни яратиш, жой номларининг тарихий-маданий аҳамиятини ҳар томонлама ўрганиш ва тарихий номларни муҳофаза қилишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Бу борада, худудлар топонимиясининг ўзига хослиги, тарихий илдизлари ва маданий мерос элементи сифатидаги аҳамияти, шаклланиш ва ўзгаришига таъсир этувчи ижтимоий-географик омилларни комплекс жиҳатларини очиб беришга устувор аҳамият берилмоқда.

Мамлакатимизда географик объект, жумладан, аҳоли пункти номларини илмий тадқиқ қилиш, давлат реестрини тузиш, уларнинг тўғри ёзилиши ва талаффузини қатъийлаштириш ҳамда муҳофаза қилиш ишлари бўйича кўплаб чора-тадбирлар амалга оширилмоқда ва натижада салмоқли ижобий натижаларга эришилган. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармонида «географик ва бошқа топонимик объектларга қонун ҳужжатларига мувофиқ ном берилиши борасидаги фаолиятни мониторинг қилиш ва мувофиқлаштириш» юзасидан муҳим вазифалар белгилаб берилган². Бу борада, жумладан, Қорақалпоғистон Республикаси ойконимларини бир бутун худудий тизим сифатида ижтимоий ва маданий географик жиҳатдан комплекс тадқиқ этиш муҳим аҳамият касб этади.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2019 йил 12 декабрдаги 984-сон

¹ https://unstats.un.org/unsd/ungegn/UNGEGN_Strategic_Plan_Programme/

² Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 21 октябрдаги ПФ-5850-сон «Ўзбек тилининг давлат тили сифатидаги нуфузи ва мавқеини тубдан ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони

«Давлат тилини ривожлантириш департаменти тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида»ги, 2020 йил 29 январдаги 40-сон «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузуридаги Атамалар комиссиясининг фаолиятини ташкил қилиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорлари, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси Президиумининг 2020 йил 3 ноябрдаги 135-сон «Қорақалпоқ тилининг давлат тили сифатидаги обрўси ва ўрнини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарори ҳамда мазкур фаолиятга тегишли бошқа меъёрий-ҳуқуқий ҳужжатларда белгиланган вазифаларни амалга оширишда ушбу диссертация муайян даражада хизмат қилади.

Тадқиқотнинг республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги. Мазкур тадқиқот иши республика фан ва технологияларини ривожлантиришнинг I. «Демократик ва ҳуқуқий жамиятни маънавий-ахлоқий ва маданий ривожлантириш, инновацион иқтисодий шакллантириш» ҳамда VIII. «Ер ҳақидаги фанлар» устувор йўналишларига мувофиқ бажарилган.

Муаммонинг ўрганилганлик даражаси. Географик номларни илмий тадқиқ этишнинг назарий-услубий асослари хорижий олимлардан Дж.Р.Стюарт, Н.Холмер (АҚШ), Дж.Армстронг, А.Райбурн (Канада), А.Кардозу (Бразилия), Э.Эжуолл, А.Смит, А.Рум, С.Мэттьюз, П.Реаней (Буюк Британия), А.Доза, М.Мулон, А.Шерпилё (Франция), Г.Краэ, М.Фасмер (Германия), А.Профоуз, В.Шмилауэр (Чехия), В.Тащицкий, Й.Сташевский, С.Роспанд, К.Римут (Польша), М.Ольсон, Т.Андерссон (Швеция), В.Георгиев (Болгария), Ф.Елек, Л.Кисс, И.Пачаи (Венгрия), И.Иордан, Г.Драгу (Руминия) ва бошқалар томонидан ўрганилган.

МДХ мамлакатларида ойконимияни ижтимоий-географик тадқиқ этиш билан В.П.Семёнов-Тян-Шанский, Э.М.Мурзаев, Е.М.Поспелов, Х.Л.Ханмагомедов, В.Н.Калуцков, А.Р.Бубнова, Л.С.Цыдыпова (Россия), Ю.А.Карпенко (Украина), В.А.Жучкевич, Г.Я.Рилюк, С.Н.Басик (Беларус), К.Д.Каймулдинова, Қ.Т.Сапаров, С.Омарбекова, А.Е.Аяпбекова, А.Г.Абдуллина (Қозоғистон) ва бошқа олимлар шуғулланганлар.

Ўзбекистонда географик топонимиканинг турли йўналишлари, жумладан, ойконимияни ижтимоий-географик жиҳатдан ўрганишни ривожлантиришга Х.Ҳ.Ҳасанов, С.Қ.Қораев, С.С.Губаева, Н.Охунов, Т.Нафасов, П.Н.Фуломов, З.Дўсимов, Н.М.Улуқов, Т.Эназаров, М.Т.Миракмалов, Қ.М.Ҳакимов, Ю.И.Аҳмадалиев, А.Низомов, П.С.Отақулов, Б.Т.Эшбоев, Х.М.Байқабилов каби олимлар муносиб ҳисса қўшдилар. Хусусан, Қорақалпоғистон ойконимларини ўрганиш бўйича Қ.М.Сейтғиязов, Д.Т.Юлдашев, Г.М.Абишов, И.О.Холмуратов, А.Е.Есемуратов, Ж.Е.Торениязовлар тадқиқотлар олиб борган ва боришмоқда.

Лекин, Қорақалпоғистон Республикаси ойконимияси бир бутун ҳудудий тизим сифатида ижтимоий ва маданий географик жиҳатдан етарли даражада ўрганилмаган бўлиб, хусусан, минтақа ойконимиясининг ички ҳудудий тафовутлари ва уларга таъсир этувчи ижтимоий-географик омиллар, республикани ойконимик районлаштириш, Қорақалпоғистондаги аҳоли пунктлари номларининг хронологик таркиби ва тарихий-маданий мерос элементлари сифатидаги аҳамияти кам ўрганилган масалалардан ҳисобланади. Мазкур диссертация иши айнан шу илмий-амалий масалаларни тадқиқ этишга бағишланган.

Диссертация мавзусининг диссертация бажарилган олий таълим муассасасининг илмий-тадқиқот ишлари режалари билан боғлиқлиги. Диссертация Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти илмий-тадқиқот ишлари режасининг «Қорақалпоғистон Республикасининг географик номлари ва уларнинг ҳудудий тарқалиш қонуниятлари» мавзуси доирасида бажарилган.

Тадқиқотнинг мақсади Қорақалпоғистон Республикаси ойконимиясининг турли мезонлар бўйича ҳудудий табақаланиш қонуниятлари ва уларга таъсир қилган ижтимоий-географик омилларни аниқлаш асосида уни районлаштириш ҳамда республика ойконимлари орасидан алоҳида тарихий-маданий аҳамиятга эга бўлган топонимик мерос объектларини ажратиб олишдан иборат.

Тадқиқотнинг вазифалари:

ҳудудий ойконимик тизимларнинг моҳияти, таркибий хусусиятлари ва уларга таъсир этувчи ижтимоий-географик омилларни аниқлаш;

ойконимларни ижтимоий-географик жиҳатдан тадқиқ этишнинг Ўзбекистон ва хорижий давлатларда тўпланган тажрибаларни ҳамда Қорақалпоғистон ойконимиясининг илмий ўрганилганлик даражасини таҳлил қилиш;

Қорақалпоғистон Республикаси ва унинг таркибидаги маъмурий-ҳудудий бирликлар ойконимиясининг спектрал-стратиграфик (тил), лексик-семантик (мазмун) ва сўз ясалиши (топотерминологик) жиҳатлардан таркибини ўрганиб, бу борадаги ҳудудий тафовутлар ва уларга таъсир этувчи ижтимоий-географик омилларни аниқлаш;

Қорақалпоғистон Республикаси ойконимиясининг тил, лексик-семантик ва топотерминологик жиҳатлардан ҳудудий тафовутларини ҳисобга олиб, унинг ойконимик районлаштирилиши схемасини асослаш;

республика ойконимиясининг хронологик жиҳатдан таркибини аниқлаб, унинг тарихий турғунлиги ва ўзгарувчанлигини баҳолаш, бу борадаги ички тафовутлар ва уларни белгилаб берувчи ижтимоий-географик омилларни ўрганиш;

Қорақалпоғистон ойконимиясининг ҳудудий таркибини акс эттирадиган мавзули топонимик хариталар туркумини тузиш;

топонимик мерос тушунчасининг моҳиятини асослаш, ойконимларнинг топонимик мерос элементлари сифатида белгилашнинг мезонларини ишлаб чиқиш;

Қорақалпоғистон Республикасининг маъмурий-худудий бирликлари кесимида топонимик мерос элементлари сифатида тавсия этилиши мумкин бўлган ойконимлар рўйхатини шакллантириш ҳамда топонимик меросни муҳофаза қилиш бўйича таклифларни ишлаб чиқиш.

Тадқиқотнинг объекти сифатида Қорақалпоғистон Республикасининг ойконимлари олинган.

Тадқиқотнинг предмети Қорақалпоғистон Республикаси ойконимиясининг худудий таркиби, унга таъсир этувчи ижтимоий-географик омиллар ҳамда унинг топонимик мерос сифатидаги тарихий-маданий хусусиятларидан иборат.

Тадқиқотнинг усуллари. Диссертацияда картографик, географик қиёслаш, тарихий қиёслаш, этимологик таҳлил, дала-экспедиция, математик-статистик, районлаштириш ва бошқа усуллардан фойдаланилган.

Тадқиқотнинг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

худудий ойконимик тизимлари таркиби (структураси)нинг йўналишлари (спектрал-стратиграфик, лексик-семантик, сўз ясалиши бўйича, хронологик, интеграл (худудий)) ва уларга таъсир этувчи ижтимоий-географик омиллар мажмуи назарий жиҳатдан асосланган;

Қорақалпоғистон Республикаси ва унинг таркибидаги маъмурий-худудий бирликлари ойконимияси (жами 1151 та жой номи)нинг спектрал-стратиграфик (тил), лексик-семантик (мазмуний) ва сўз ясалиши бўйича (топотерминологик) таркиби миқдорий жиҳатдан таҳлил қилиниб, бу борадаги худудий тафовутлар ва уларга таъсир кўрсатган ижтимоий-географик омиллар аниқланган;

илк бор Қорақалпоғистон ойконимияси тил, лексик-семантик ҳамда топотерминологик таркибидаги ички тафовутларининг комплекс таҳлили асосида республиканинг икки поғонали (2 та район ва 7 та кичик район) ойконимик районлаштириш схемаси ишлаб чиқилган;

Қорақалпоғистон ойконимлари шаклланиш давридан келиб чиққан ҳолда 3 та хронологик қатламга (совет давридан олдин (жумладан, Мустақиллик йилларида қайта тикланган), совет даврида ва Мустақиллик йилларида шаклланган) ажратилган ҳамда шу асосда республика ва унинг таркибидаги туманлар ойконимиясининг тарихий турғунлиги баҳоланган;

«топонимик мерос» тушунчасининг моҳияти ва унинг элементларини белгилаш мезонлари (жой номларининг тарихийлиги, рамзийлиги ва тарихий-маданий қадрияти билан боғлиқ жами 9 та мезон) ишлаб чиқилган ва шу асосда Қорақалпоғистон Республикасининг топонимик мероси объектлари тариқасида тан олишга тавсия этилаётган ойконимларнинг маъмурий-худудий бирликлар кесимидаги реестри шакллантирилган.

Тадқиқотнинг амалий натижалари қуйидагилардан иборат:

Қорақалпоғистон Республикасида 1.01.2021 йил ҳолатига мавжуд бўлган аҳоли пунктлари (жами 1151 та) номларининг мансуб бўлган тили, лексик-семантик типи, ясалишида иштирок этган топотермин ҳамда шаклланиш даври кўрсатилган реестри тузилган;

Қорақалпоғистон ойконимиясининг тил, лексик-семантик, топотерминологик ва хронологик таркиби ҳамда республиканинг ойконимик районлаштириш схемаси акс эттирилган мавзули топонимик хариталарнинг туркуми замонавий ГАТ-технологиялардан фойдаланган ҳолда яратилган;

Қорақалпоғистон Республикаси топонимик меросини муҳофаза қилиш борасида бир қатор илмий асосланган таклифлар ишлаб чиқилган.

Тадқиқот натижаларининг ишончилиги. Тадқиқот натижаларининг ишончилиги унда Қорақалпоғистон Республикаси ва унинг таркибидаги маъмурий-ҳудудий бирликлари маҳаллий ҳокимият органлари томонидан тасдиқланган аҳоли пунктлари рўйхатлари, тарихий ва архив материаллари, Қорақалпоғистоннинг барча туманларида олиб борилган дала тадқиқотлари ва маҳаллий информаторлар билан олиб борилган суҳбатлар, илмий адабиётлар, топографик хариталар, Географик объектларнинг номлари давлат реестри маълумотларидан фойдаланилганлиги, шунингдек, тадқиқот доирасида яратилган илмий-амалий ишланмалар, хариталар, илмий таклиф ва тавсиялар амалиётга жорий этилганлиги, олинган натижаларнинг ваколатли тузилмалар томонидан тасдиқланганлиги билан белгиланади.

Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти. Тадқиқот натижаларининг илмий аҳамияти географик номлар, жумладан, Қорақалпоғистон ойконимларининг этимологияси, тарихий-маданий аҳамияти, тарихий турғунлик даражаси ва «топонимик мерос» тушунчасининг ишлаб чиқилганлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг амалий аҳамияти олинган асосий хулоса ва тавсиялардан Қорақалпоғистон ойконимларини стандартлаштириш, уларни муҳофаза қилишнинг дастурларини такомиллаштириш, шунингдек, географик номларнинг ижтимоий-географик жиҳатдан таҳлил қилишнинг асосий йўналишлари ва услубларини белгилаш, топонимик луғатлар, монография, ўқув қўлланма ва дарсликлар тайёрлашда фойдаланиш мумкинлиги билан изоҳланади.

Тадқиқот натижаларининг жорий қилиниши. Қорақалпоғистон Республикаси ойконимларининг комплекс ижтимоий-географик таҳлили бўйича олинган натижалар асосида:

назарий жиҳатдан асосланган ҳудудий ойконимик тизимлари таркиби (структураси)нинг йўналишлари (спектрал-стратиграфик, лексик-семантик, сўз ясалиши бўйича, хронологик, интеграл (ҳудудий)) ва уларга таъсир этувчи ижтимоий-географик омиллар мажмуи Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги Давлат тилини ривожлантириш

департаменти амалиётида маъмурий-худудий бирликлар бўйича аҳоли пунктлари номлари ягона реестрининг шаклини такомиллаштиришда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2022 йил 29 августдаги 11-06/5-08/642-сон маълумотномаси). Натижада, реестрга киритиладиган маълумотларнинг тизимлилиги ва ахборотлилигини ошириш имконини берган;

Қорақалпоғистон Республикаси ва унинг таркибидаги маъмурий-худудий бирликлари ойконимияси (жами 1151 та жой номи)нинг спектрал-стратиграфик (тил), лексик-семантик (мазмуний) ва сўз ясалиши бўйича (топотерминологик) таркибининг миқдорий таҳлили орқали аниқланган худудий тафовутлар ва уларга таъсир кўрсатган ижтимоий-географик омиллардан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги Давлат тилини ривожлантириш департаменти амалиётида фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2022 йил 29 августдаги 11-06/5-08/642-сон маълумотномаси). Натижада, республика ойконимларининг турли тиллар ва семантик типларга мансуб гуруҳлари ҳамда топонимик терминларнинг тарқалиш ареалларини аниқлаштириш ва илмий жиҳатдан изоҳлашга имкон берган;

Қорақалпоғистон ойконимияси тил, лексик-семантик ҳамда топотерминологик таркибидаги ички тафовутларининг комплекс таҳлили асосидаги республиканинг икки поғонали (2 та район ва 7 та кичик район) ойконимик районлаштириш схемасидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги Давлат тилини ривожлантириш департаменти амалиётида қўлланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2022 йил 29 августдаги 11-06/5-08/642-сон маълумотномаси). Натижада, республиканинг турли туманларида аҳоли пунктлари номларини ўзгартириш ва қайта тиклаш жараёнини тизимли асосда олиб бориш имкони оширилган;

туманлар ойконимиясининг тарихий турғунлигига оид хулосалар Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги Давлат тилини ривожлантириш департаменти амалиётига жорий этилган (Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2022 йил 29 августдаги 11-06/5-08/642-сон маълумотномаси). Натижада, аҳоли пунктларини қайта номлашда худудларнинг тарихий-географик хусусиятларини сақлаш ва янада яққол акс эттириш имконини берган;

ишлаб чиқилган «топонимик мерос» тушунчаси ва унинг элементларини белгилаш мезонлари (жой номларининг тарихийлиги, рамзийлиги ва тарихий-маданий қадрияти билан боғлиқ жами 9 та мезон) ва шу асосда шакллантирилган Қорақалпоғистон Республикасининг топонимик мероси объектлари тариқасида тан олишга тавсия этилаётган ойконимларнинг маъмурий-худудий бирликлар кесимидан Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши ҳузуридаги Давлат тилини ривожлантириш департаменти

амалиётда фойдаланилган республикадаги чуқур тарихий илдишларга эга бўлган жой номларини муҳофаза қилишга қаратилган чора-тадбирларни ишлаб чиқишда фойдаланилган (Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгашининг 2022 йил 29 августдаги 11-06/5-08/642-сон маълумотномаси). Натижада, Қорақалпоғистон Республикаси номоддий маданий меросининг ажралмас элементлари ҳисобланадиган топонимлар муҳофазасининг самарадорлигини ошириш имконини берган.

Тадқиқот натижаларининг апробацияси. Мазкур тадқиқот натижалари 5 та халқаро ва 9 та республика миқёсидаги илмий-амалий анжуманларда муҳокамадан ўтказилган.


Тадқиқот натижаларининг эълон қилинганлиги. Диссертация мавзуси бўйича жами 28 та илмий иш чоп этилган, шундан Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрларда 8 та мақола, жумладан, 5 таси республика ва 3 таси хорижий нуфузли журналларда нашр этилган.

Диссертациянинг ҳажми ва тузилиши. Диссертация кириш, уч боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловалардан иборат. Диссертациянинг матн қисми 120 бетни ташкил этади.

ДИССЕРТАЦИЯНИНГ АСОСИЙ МАЗМУНИ

Кириш қисмида ўтказилган тадқиқотларнинг долзарблиги ва зарурати асосланган, тадқиқотнинг мақсади ва вазифалари, объект ва предмети тавсифланган, республика фан ва технологиялари ривожланишининг устувор йўналишларига мослиги кўрсатилган, тадқиқотнинг илмий янгилиги ва амалий натижалари баён қилинган, олинган натижаларнинг илмий ва амалий аҳамияти очиқ берилган, тадқиқот натижаларини амалиётга жорий қилиш, нашр этилган ишлар ва диссертация тузилиши бўйича маълумотлар келтирилган.

Диссертациянинг «**Ойконимларни ижтимоий-географик тадқиқ этишнинг илмий-услубий асослари**» деб номланган биринчи бобида ойконимларни ижтимоий-географик тадқиқ этишнинг манбалари, услубий ёндашув ва методлари, «худудий ойконимик тизим» тушунчаси, унинг моҳияти, таркибий тузилиши ва шаклланишига таъсир этувчи ижтимоий-географик омиллар (1-расм), Ўзбекистон ва хорижий ижтимоий-иқтисодий географиясида ойконимларни ўрганишнинг тажрибалари, хусусан, В.П.Семёнов-Тян-Шанский, Э.М.Мурзаев, В.А.Жучкевич, Х.Л.Ханмагомедов, В.Н.Калуцков, Л.С.Цыдыпова ва бошқа хорижий олимлар ҳамда мамлакатимиздаги Ҳ.Ҳ.Ҳасанов, С.Қ.Қораев, Қ.М.Ҳакимов, М.Т.Миракмалов, Қ.М.Сейтнязов, Ю.И.Аҳмадалиев ва бошқа олимларнинг илмий-тадқиқот ишлари, шунингдек, Қорақалпоғистон ойконимиясининг ўрганилиш тарихи таҳлил қилинган.



1-расм. Худудий ойконимик тизим таркиби ва унинг шаклланиш омиллари

Муаллиф томонидан ишлаб чиқилган


Биринчи бобдаги таҳлил ва мулоҳазалардан ойконимларни топонимларнинг алоҳида ижтимоий-сиёсий ва тарихий-маданий аҳамиятга эга бўлган тури сифатида қабул қилиш ва муайян худуд доирасида уларни худудий ойконимик тизим тарикасида тадқиқ қилиш мақсадга мувофиқлиги ҳақида хулоса чиқарилди.

Диссертациянинг «Қорақалпоғистон Республикаси ойконимиясининг ҳудудий таркиби» деб номланган иккинчи бобида республикада мавжуд бўлган 12 та шаҳар, 26 та шаҳарча ва 1113 та қишлоқ аҳоли пункти, яъни жами ҳисобда 1151 та аҳоли пункти (1 январь 2021 йил ҳолатига кўра) номларининг спектрал-стратиграфик (тил), лексик-семантик (мазмуний) ва топотерминологик таркиби, ундаги ҳудудий тафовутлар ўрганилиб, республиканинг ойконимик районлаштирилиши схемаси ишлаб чиқилди.

Тадқиқот жараёнида Қорақалпоғистондаги жами ойконимларнинг 60,8% и қорақалпоқ, 28,6% и ўзбек, 5,5% и қозоқ, 2,3% и туркман тилига мансуб эканлиги, бошқа тилларга мансуб ойконимлар эса жуда озчилик эканлиги аниқланди. Шунингдек, республиканинг 4 та жанубий туманларида (Амударё, Беруний, Тўрткўл, Эллиққалъа) ўзбек тилидаги, қолган барча туманларда эса қорақалпоқ тилига мансуб бўлган ойконимлар топонимик фонни ташкил қилиши аниқлаб олинди.

Тадқиқотнинг кейинги босқичида республика ойконимларининг лексик-семантик хусусиятлари ҳудудий жиҳатдан таҳлил қилинди. Бир қатор мутахассислар (В.П.Семёнов-Тян-Шанский, Э.М.Мурзаев, Ҳ.Ҳ.Ҳасанов, С.Қ.Қораев, П.Н.Ғуломов ва бошқалар) томонидан ишлаб чиқилган топонимларнинг лексик-семантик таснифлари қиёсий равишда таҳлил қилинди ва Қорақалпоғистон Республикаси ойконимларини тўлиқ қамраб оладиган жой номларининг 16 та лексик-семантик гуруҳларга таснифланиши ишлаб чиқилди: 1) географик ўрин хусусиятлари билан боғлиқ ойконимлар; 2) рельеф хусусиятлари билан боғлиқ ойконимлар; 3) оронимлардан ҳосил бўлган ойконимлар; 4) тупроқ хусусиятлари билан боғлиқ ойконимлар; 5) гидронимлардан ҳосил бўлган ойконимлар; 6) фитоойконимлар; 7) зооойконимлар; 8) этноойконимлар; 9) антропоойконимлар; 10) касб-ҳунар, ҳўжалик машғулотлари билан боғлиқ ойконимлар; 11) уй ва ҳўжалик иншоотлари билан боғлиқ ойконимлар; 12) тарихий атамалардан ҳосил бўлган ойконимлар; 13) афсонавий ойконимлар; 14) ғаройиб ойконимлар; 15) кўчирилган ойконимлар (мигрант номлар); 16) замонавий (стандарт) номлар.

Қорақалпоғистондаги жами ойконимларнинг 300 таси, яъни 26% и, этноойконим, 251 таси, яъни 21,8% и, замонавий (стандарт) номлар, 175 таси яъни 15,2% и, гидронимлардан ҳосил бўлган ойконимлар эканлиги аниқланди. Таҳлиллар натижасида жами ойконимлар таркибида энг юқори улуш Амударё туманида этноойконим ва антропоойконимларга, Бўзатов, Мўйноқ ва Тахтакўпир туманларида гидронимлардан ҳосил бўлган ойконимларга, Нукус, Кегейли, Чимбой ва Қораўзак туманларида этноойконимларга, Беруний, Тўрткўл, Эллиққалъа, Шуманай ва Кўнғирот туманларида замонавий (стандарт) номлар устуворликка эга бўлса, Ҳўжайли, Тахиатош ва Қанлиқўл туманларида эса гидронимлардан ҳосил бўлган ойконимлар, этноойконимлар ва антропоойконимларнинг улуши бир-бирига анча яқин бўлиб, бирортаси яққол устунликка эга эмаслиги аниқланди ва харитаси ишлаб чиқилди (2-расм).




2-расм. Қорақалпоғистон Республикаси туманлари ойконимларининг лексик-семантик таркиби харитаси

Харита муаллиф томонидан тузилган

Тадқиқот жараёнида Қорақалпоғистон Республикаси ойконимларининг шаклланишида маҳаллий географик терминларнинг аҳамияти ва уларнинг ҳудудий хусусиятлари ўрганилди. Қорақалпоғистон ойконимларининг 412 таси, яъни 35,8% и, топотерминлар ёрдамида ясалганлиги аниқланди. Ойконимлар таркибида Амударё туманида *овул* ва *обод* топотермини, Беруний, Тўрткўл ва Элликқалъа туманларида *обод* ва *қалъа* топотерминлари, Бўзатов, Мўйноқ, Тахтақўпир ва Нукус туманларида гидронимик мазмундаги *кўл*, *дарё*, *ўзак* сингари топотерминлар, Тахياتош, Хўжайли, Кегейли, Чимбой, Шуманай, Қораўзак, Қанликўл, Қўнғирот туманларида эса *овул* топотермини етакчилик қилиши аниқланди.

Қорақалпоғистоннинг тўртта жанубий туманида ойконимларнинг аксарият қисми, яъни 77,3% и, ўзбекча, республиканинг қолган қисмида эса барча ойконимларнинг 88,5% и қорақалпоқча эканлигидан келиб чиқиб, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудини иккита – **Шимолий** ва **Жанубий ойконимик районга** ажратиш асосли деб топилди. Шунингдек, ҳар иккала районда ойконимларининг лексик-семантик таркиби ҳамда ясашида иштирок этган топотерминлар таркиби жиҳатидан туманлар кесимида ҳудудий тафовутлар аниқланди. Ушбу ҳудудий хусусиятларни ҳисобга олиб,

Шимолий ойконимик районни тўртта, яъни **Оролбўйи** (Бўзатов, Мўйнок, Тахтақўпир туманлари), **Шимоли-шарқий** (Кегейли, Нукус, Чимбой ва Қораўзак туманлари), **Ғарбий** (Шуманай, Қўнғирот туманлари) ва **Марказий** (Нукус ш., Тахиятош, Хўжайли ва Қанликўл туманлари) **кичик ойконимик районларга**, Жанубий ойконимик районни эса **Жанубий Чап қирғоқ** (Амударё тумани), **Жанубий Ўнг қирғоқ** (Беруний, Эллиққалъа, Тўртқўл туманларининг суғориладиган ҳудудлари) ва **Қизилқум** (Беруний, Тўртқўл, Эллиққалъа туманлари чўл-яйлов ҳудудлари) **ойконимик кичик районларга** бўлиш лозимлиги асосланди ҳамда муаллиф томонидан илк бор Қорақалпоғистон ойконимларини районлаштириш харитаси тузилди (3-расм).



3-расм. Қорақалпоғистон Республикасининг ойконимик районлаштирилиши харитаси

Харита муаллиф томонидан тузилган

Диссертациянинг «Қорақалпоғистон Республикаси ойконимиясининг тарихий-маданий аҳамияти ва уни муҳофаза қилиш масалалари» деб номланган учинчи бобида Қорақалпоғистон Республикасидаги аҳоли пунктларининг номлари шаклланган вақти ҳамда ўзгартириш тарихи республика маъмурий-ҳудудий бўлиниши ва аҳоли жойлашувига оид кўплаб архив материаллари ва ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатлар асосида ўрганилиб, минтақа ойконимларининг тарихий ўзгарувчанлиги ва турғунлиги баҳоланган. Натижада, республиканинг турли қисмларида ойконимиянинг

хронологик таркиби ўзаро фарқ қилиши аниқланган (1-жадвал). Хусусан, Беруний, Тўрткўл, Эллиққалъа ва Шуманай туманларида энг янги тарихий даврда шаклланган ойконимлар кўпчиликни ташкил этса, Амударё, Бўзатов, Кегейли, Мўйноқ, Нукус, Тахтақўпир, Чимбой ва Қораўзак туманларида совет давридан олдин шаклланган ойконимлар кескин равишда етакчилик қилмоқда.

1-жадвал

Қорақалпоғистон Республикаси ойконимларининг шаклланиш даври бўйича тақсимланиши

№	Маъмурий-худудий бирликлар	Жами ойконимлар сони	Совет давридан олдин шаклланган (шу жумладан, Мустақиллик даврида қайта тикланган)		Совет даврида шаклланган		Мустақиллик даврида шаклланган	
			Сони	Улуши	Сони	Улуши	Сони	Улуши
1.	Нукус ш.	2	2	100 %	-	-	-	-
2.	Амударё	129	93	72,1 %	8	6,2 %	28	21,7 %
3.	Беруний	71	19	26,8 %	10	14,1 %	42	59,1 %
4.	Бўзатов	26	19	73,1 %	4	15,4 %	3	11,5 %
5.	Кегейли	132	105	79,55 %	23	17,4 %	4	3,05 %
6.	Мўйноқ	22	18	81,8 %	4	18,2 %	-	-
7.	Нукус т.	40	32	80 %	3	7,5 %	5	12,5 %
8.	Тахиатош	32	20	62,5 %	8	25 %	4	12,5 %
9.	Тахтақўпир	40	31	77,5 %	6	15 %	3	7,5 %
10.	Тўрткўл	92	22	23,9 %	15	16,3 %	55	59,8
11.	Хўжайли	64	32	50 %	15	23,4 %	17	26,6 %
12.	Чимбой	120	89	74,2 %	24	20 %	7	5,8 %
13.	Шуманай	105	22	20,95 %	18	17,15 %	65	61,9 %
14.	Эллиққалъа	92	29	31,5 %	17	18,5 %	46	50 %
15.	Қанликўл	39	21	53,85 %	12	30,75 %	6	15,4 %
16.	Қораўзак	97	70	72,2 %	10	10,3 %	17	17,5 %
17.	Кўнғирот	48	20	41,7 %	12	25 %	16	33,3 %
Қорақалпоғистон Республикаси		1151	644	56 %	189	16,4 %	318	27,6 %

Жадвал муаллиф томонидан бажарилган ўрганишлар асосида шакллантирилган

Тегишли бобда республика ойконимларининг тарихий-маданий мерос элементлари сифатида аҳамияти тавсифланиб, топонимик мерос тушунчаси ва мезонлари ишлаб чиқилган.

Топонимик мерос – муайян ҳудуддаги маҳаллий аҳоли томонидан тарихий ривожланиш жараёнида табиий равишда шакллантирилган, тегишли объектларга оид қимматли тарихий-маданий маълумотларни ўзида сақлаётган, уларнинг муҳим табиий, ижтимоий-иқтисодий, этномаданий хусусиятларини акс эттирадиган, узоқ вақт давомида сақланаётган ёки тарихий қадрияти ҳисобга олиниб қайта тикланган географик номлар.

**Қорақалпоғистон Республикасининг топонимик мерос объектлари
қаторига киритишга тавсия этилган ойконимларнинг маъмурий-
худудий бирликлар кесимида сони ва улуши**

№	Худудий бирлик	Жами ойконимлар соли	Жумладан, топонимик мерос сифатида тавсия этилаётган	
			Сони	Улуши
1.	Нукус ш.	2	2	100 %
2.	Амударё	129	76	58,9 %
3.	Беруний	71	18	25,3 %
4.	Бўзатов	26	19	73,1 %
5.	Кегейли	132	110	83,3 %
6.	Мўйноқ	22	19	86,3 %
7.	Нукус т.	40	32	80 %
8.	Тахиятош	32	22	68,7 %
9.	Тахтақўпир	40	29	72,5 %
10.	Тўртқўл	92	21	22,8 %
11.	Хўжайли	64	39	60,9 %
12.	Чимбой	120	91	75,8 %
13.	Шуманай	105	31	29,5 %
14.	Элликқалъа	92	32	34,8 %
15.	Қанликўл	39	26	66,6 %
16.	Қораўзак	97	71	73,2 %
17.	Қўнғирот	48	20	41,6 %
Қорақалпоғистон Республикаси		1151	658	57,15 %

Жадвал муаллиф томонидан тузилган

Худуднинг топонимик мероси объекти сифатида эътироф этилиши учун жой номи қуйидаги мезонларнинг бирига мос келиши керак:

- асрлар давомида ўзгармасдан сақланиб келаётган, қайта номлаш сиёсати олиб борилган даврларда ўзгармасдан қолган ёхуд маълум вақт ўтиб қайта тикланган бўлса;

- тегишли худуднинг таянч, рамзий топоними ҳисобланса;

- ўзида маҳаллий аҳоли мансуб бўлган миллат, уруғ, қабила ва бошқа этник бирликлар номларини ўзида акс эттирса;

- маҳаллий тарихда алоҳида из қолдирган ва аҳоли пунктларига асос солишда иштирок этган инсонларни номларини сақласа;

- маҳаллий халқнинг ўтмишда шуғулланган касб-ҳунар номларини ўзида сақласа;

- ўтмишда мавжуд бўлган маҳаллий орографик ёки гидрографик объектларнинг номларини ўзида сақласа;

- номланган объектнинг географик ўрни ёки табиий шароитининг муҳим хусусиятларини ўзида акс эттирса;

- таркибида турли маҳаллий тарихий, хўжалик, географик, топонимик терминлар мавжуд бўлса;

- афсонавий ёки диний мазмунга эга бўлса.

Мана шу мезонларга таянган ҳолда Қорақалпоғистон Республикасидаги жами мавжуд аҳоли пункт номлари экспертизадан ўтказилиб, дастлабки

равишда **топонимик мерос** объектлари сифатида тавсия этса бўладиган ойконимлар рўйхати шакллантирилди ва туманлар кесимида жами ойконимлардаги бундай номларнинг улушлари аниқланди (2-жадвал). Ушбу рўйхатдаги аксарият номлар, табиий холки, совет давридан олдин пайдо бўлган ойконимлардан иборат.

ХУЛОСА

1. Муайян ҳудуд шароитида тарихан шакланган ва ўзгариб келаётган ойконимларнинг мажмуасини ҳудудий ойконимик тизим тарикасида қабул қилиш мумкин. Ҳудудий ойконимик тизимларнинг структураси (таркиби) спектрал-стратиграфик (тил), лексик-семантик (мазмун), сўз ясалиши (топотерминологик), хронологик ҳамда интеграл (ҳудудий) жиҳатдан таҳлил қилиниши мумкин. Уларнинг шаклланиши ва ривожланишига бир қанча ижтимоий-географик омиллар таъсир кўрсатади: 1) ҳудуднинг ўзлаштириш тарихи; 2) аҳолининг турли даврлардаги этномаданий таркиби; 3) сиёсий тузумлар ва идеологик муҳитнинг ўзгариб бориши; 4) аҳоли жойлашувининг хусусиятлари; 5) табиий шароит ва унинг аҳоли томонидан англаниши; 6) аҳолининг ижтимоий таркиби ва муносабатлари; 7) аҳолининг анъанавий хўжалик машғулоти ва маиший анъаналари. Ҳудудий ойконимик тизимларни ижтимоий-географик тадқиқ этишда уларнинг турли мезонлар бўйича ички структураси ва унга таъсир этган омилларни таҳлил қилишга таяниш лозим.

2. Бир нечта топонимистлар томонидан ишлаб чиқилган географик объектлар номларининг лексик-семантик (мазмун жиҳатидан) таснифи таҳлил қилиниб, Қорақалпоғистон Республикаси ойконимларини 16 та лексик-семантик гуруҳ таснифи бўлиниш ишлаб чиқилди. Бу таснифни қўллаган ҳолда туманлар кесимида республика ойконимиясининг лексик-семантик жиҳатдан миқдорий таркиби аниқланди. Амударё туманида этноойконим ва антропоойконимлар, Бўзатов, Мўйноқ ва Тахтақўпир туманларида гидронимлардан ҳосил бўлган ойконимлар, Нукус, Кегейли, Чимбой ва Қораўзак туманларида этноойконимлар, Беруний, Тўртқўл, Эллиққалъа, Шуманай ва Қўнғирот туманларида замонавий (стандарт) номлар устуворликка эга бўлиши, Хўжайли, Тахиатош ва Қанликўл туманларида эса гидронимлардан ҳосил бўлган ойконимлар, этноойконимлар ва антропоойконимларнинг улуши бир-бирига анча яқин бўлиб, бирортаси яққол устунликка эга эмаслиги аниқланди.

3. Тадқиқот жараёнида Қорақалпоғистон Республикаси ойконимларининг сезиларли қисми, яъни 412 таси (35,8% и) топотерминлар ёрдамида ясалганлиги аниқланди. Топотерминларнинг таркиби туманлар бўйича маълум даражада фарқланиши кўриб чиқилди. Жумладан, Амударё туманида *овул* ва *обод*, Беруний, Тўртқўл ва Эллиққалъа туманларида *обод* ва *қалъа* топотерминлари етакчилик қилиши аниқланди. Шимолий туманларда эса, хусусан, Бўзатов, Мўйноқ, Тахтақўпир ва Нукус туманлари ойконимиясида

гидронимик, яъни *кўл, дарё, ўзак* сингари топотерминлар етакчилик қилиши, Тахиатош, Хўжайли, Кегейли, Чимбой, Шуманай, Қанликўл, Қораўзак, Қўнғирот туманларида *овул* топотермини етакчилик қилиши аниқланди.

4. Қорақалпоғистоннинг тўртта жанубий туманида ойконимларнинг аксарият қисми, яъни 77,3% и, ўзбекча, республиканинг қолган қисмида эса ойконимларнинг 88,5% и қорақалпоқча эканлигидан келиб чиқиб, Қорақалпоғистон Республикаси ҳудудини иккита – **Шимолий** ва **Жанубий ойконимик район**га ажратиш асосли деб топилди. Шунингдек, ҳар иккала районда ойконимларининг лексик-семантик таркиби ҳамда ясалишида иштирок этган топотерминлар таркиби жиҳатидан туманлар кесимида сезиларли ички тафовутлари аниқланди. Ушбу жиҳатлар ҳисобга олиниб, Шимолий ойконимик район таркибида тўртта: **Оролбўйи, Шимоли-шарқий, Ғарбий** ва **Марказий кичик ойконимик район**, Жанубий ойконимик райони таркибида эса **Жанубий Чап қирғоқ, Жанубий Ўнг қирғоқ** ва **Қизилқум ойконимик кичик районлар** ажратилди.

5. Қорақалпоғистон ойконимиясида сўнгги 100 йил мобайнида сиёсий-тарихий жараёнлар чоғида кўплаб кескин ўзгартиришларга учраган. Архив материаллари, турли йилларга мансуб харита ва тарихий ҳужжатлар таҳлил қилиниб, ҳудуд ойконимлари шаклланиш даври бўйича 3 та гуруҳга ажратилди: 1. Совет давридан олдин шаклланган (жумладан, Мустақиллик даврида қайта тикланган) ойконимлар; 2. Совет даврида шаклланган ойконимлар; 3. Мустақиллик даврида шаклланган ойконимлар. Республикадаги аҳоли пунктлари номларидан 644 таси, яъни 56% и, совет давридан олдин, 189 таси, яъни 16,4% и, совет даврида ва 318 таси, яъни 27,6% и, Мустақиллик даврида шаклланганлиги аниқланди.

6. Ҳудуд ойконимлари 3 та хронологик қатламга бўлиниб, уларнинг лексик-семантик хусусиятлари тадқиқ қилинди ва турли тарихий даврлар учун хос бўлган аҳоли пунктларини номлаш анъаналари ажратиб олинди. Бунда совет давридан олдин шаклланган ойконимлар таркибида энг катта улушлар этноойконимлар (43,7%) ва гидронимлардан келиб чиққан ойконимлар (21,4%)га тегишли эканлиги аниқланди. Мустақиллик йилларда шаклланган ойконимлар орасида эса замонавий (стандарт) номлар энг кенг тарқалган бўлиб, уларнинг улуши 63,2% га тенг.

7. Ўзида турли хил ахборотларни сақлаётган тарихий-маданий мерос сифатида қараладиган совет давридан олдин шаклланган ойконимлар Қорақалпоғистон ҳудуди бўйича туманлар кесимида турли даражада учрашиши маълум бўлди. Хусусан, Амударё, Бўзатов, Кегейли, Мўйноқ, Нукус, Тахтақўпир, Чимбой, Қораўзак каби туманларда совет давридан олдин шаклланган ойконимлар жами ойконимларнинг 70 фоизидан ортиқроқ қисмини ташкил қилган бўлса, Беруний, Тўрткўл, Шуманай, Эллиққалъа туманларидаги кўплаб ойконимлар мустақиллик йилларида ҳукумат қарорлари асосида ўзгартирилган. Ўз навбатида, Тахиатош, Хўжайли Қанликўл ва Қўнғирот туманларидаги ойконимларнинг пайдо бўлиш даври нисбатан кўпроқ совет давридан олдин пайдо бўлган бўлса ҳам, совет ва

мустақиллик даврларида пайдо бўлган номлар ҳам худудий ойконимик тизимларида катта ўрин тутганлигини кўриш мумкин.

8. Географик номлар муайян тарихий шароитда шаклланади ва узоқ вақт сақланиб қолиши туфайли қимматли ахборот манбаи ҳисобланади. Жой номларида тарихий ўтмишнинг ўзига хос «изи», «тамғаси» мавжуддир. Узоқ тарихга эга бўлган ва ўзида муҳим тарихий-маданий ахборотни сақлаётган географик номларни муҳофаза қилиш маданий меросни сақлаш жиҳатидан жамиятнинг бурчи ҳисобланади. Диссертацияда жой номларини номоддий маданий мерос элементи сифатида топонимик мерос тариқасида ажратиш лозимлиги асосланиб, худуднинг топонимик меросини ажратишнинг тўққизта мезони ишлаб чиқилди. Муаллиф томонидан ҳуқуқий-меъёрий ҳужжатларга топонимик мерос тушунчасини ва тегишли жой номларини ўзгартиришни таъқиқлаш бўйича нормани киритишга оид таклифлар илгари сурилди. Илмий ишда асослаб берилган топонимик меросни аниқлашнинг ёндашув ва усуллари, уни муҳофаза этишга оид ишлаб чиқилган таклиф ва тавсиялар келажакда Ўзбекистоннинг бошқа худудлари материалларида ҳам қўлланилиши мумкин.

9. Ўрганишлар натижасида Қорақалпоғистон Республикаси ойконимларидан 658 тасини, яъни 57,15% ини, топонимик мерос объектлари тариқасида тан олиниши тавсия этилди. Қорақалпоғистон Республикасининг топонимик мерос объектлари қаторига киритишга тавсия этилган ойконимлар нотекис тарқалганлиги аниқланди. Хусусан, Амударё, Бўзатов, Кегейли, Мўйноқ, Нукус, Тахиатош, Тахтақўпир, Хўжайли, Чимбой, Қанликўл ва Қораўзак туманларида топонимик мерос объектлари қаторига киритишга тавсия этилган ойконимлар жами туман ойконимларининг 60% дан ортиғини ташкил этганлиги, Беруний, Тўрткўл, Шуманай ва Эллиққалъа туманларида эса бу кўрсаткич 40% га ҳам етмаганлиги аниқланди.

**НАУЧНЫЙ СОВЕТ ПО ПРИСУЖДЕНИЮ УЧЕНЫХ СТЕПЕНЕЙ
PhD.03/30.12.2021.Gr.02.07 ПРИ САМАРКАНДСКОМ
ГОСУДАРСТВЕННОМ УНИВЕРСИТЕТЕ ИМЕНИ
ШАРОФА РАШИДОВА**

**НУКУССКИЙ ГОСУДАРСТВЕННЫЙ ПЕДАГОГИЧЕСКИЙ
ИНСТИТУТ**

БАЛТАБАЕВ ОМИРБАЙ ОСЕРБАЕВИЧ

**СОЦИАЛЬНО-ГЕОГРАФИЧЕСКИЙ АНАЛИЗ ОЙКОНИМОВ
РЕСПУБЛИКИ КАРАКАЛПАКСТАН**

11.00.02 – Экономическая и социальная география

**АВТОРЕФЕРАТ ДИССЕРТАЦИИ ДОКТОРА ФИЛОСОФИИ (PhD)
ПО ГЕОГРАФИЧЕСКИМ НАУКАМ**

Самарканд – 2022

Тема диссертации доктора философии (PhD) по географическим наукам зарегистрирована в Высшей аттестационной комиссии при Кабинете Министров Республики Узбекистан за № B2022.1.PhD/Gr181.

Диссертация выполнена в Нукусском государственном педагогическом институте имени Ажинияза.

Автореферат диссертации на трёх языках (узбекский, русский, английский (резюме)) размещён на веб-странице Научного совета (www.samdu.uz) и на информационно-образовательном портале «Ziynet» (www.ziynet.uz).

Научный руководитель: **Турдымамбетов Изимбет Рахметович**
доктор географических наук, доцент

Официальные оппоненты: **Уразбаев Абдукарим Кендирбаевич**
доктор географических наук, доцент

Хакимов Кучкор Махкамович
кандидат географических наук, доцент

Ведущая организация: **Наманганский государственный университет**

Защита диссертации состоится «20» декабря 2022 года в 10⁰⁰ часов на заседании Научного совета по присуждению учёных степеней PhD.03/30.12.2021.Gr.02.07 при Самаркандском государственном университете имени Шарофа Рашидова. (Адрес: 140104, г. Самарканд, ул. Муками, 45. Тел.: (+99895) 410-20-10, факс: (+99866) 239-19-36; E-mail: ik-geografiya2019@mail.ru. Юридический факультет Самаркандского государственного университета имени Шарофа Рашидова).

С диссертацией можно ознакомиться в информационно-ресурсном центре Самаркандского государственного университета имени Шарофа Рашидова (зарегистрирован за № ____). Адрес: 140104, г. Самарканд, Университетский проспект, дом 15. Тел.: (+99866) 233-60-87.

Автореферат диссертации разослан «6» декабря 2022 года.
(реестр протокола рассылки № 35 от «2» декабря 2022 года).

С.Б.Аббасов
Председатель Научного совета
по присуждению ученых степеней,
д.г.н., профессор

Б.А.Мелиев
Ученый секретарь Научного
совета по присуждению учёных
степеней, доктор философии
по географическим наукам (PhD)

А.Абдулкасимов
Председатель Научного семинара при
Научном совете по присуждению учёных
степеней, д.г.н., профессор

ВВЕДЕНИЕ (аннотация диссертации доктора философии (PhD))

Актуальность и востребованность темы диссертации. В мире большое внимание уделяется географическим названиям, их общественно-политическому и историко-культурному значению. В частности, Экспертная группа ООН по географическим названиям (UNGEGN) с учётом отражения в географических названиях элементов истории, наследия, ландшафта территорий указывает региональным, национальным и международным организациям, что их правильное применение «полезно для деятельности в сферах экологии, устойчивого развития и охраны природы, предупреждения и борьбы с природными стихийными бедствиями»³. Это обстоятельство делает востребованным социально-географическое изучение топонимии территорий, в том числе, названий населённых пунктов, то есть ойконимов.

В мире приоритетное внимание уделяется стандартизации написания и транскрипции географических названий, обоснованию принципов наименования и переименования географических объектов, составлению официальных реестров географических названий, созданию справочных изданий по топонимике, всестороннему изучению историко-культурного значения географических названий и охране исторических названий. В этой связи, актуальность приобретает раскрытие своеобразия топонимии регионов, её исторических корней и значения как составного элемента культурного наследия, комплексный анализ социально-географических факторов, влияющих на формирование и изменение географических названий.

В нашей стране реализуется множество мероприятий в области научных исследований названий географических объектов, в том числе населённых пунктов, создания их государственного реестра, установления чётких норм их написания и произношения, а также их охраны, в результате чего достигнуты значительные положительные результаты. Указом Президента Республики Узбекистан № УП-5850 «О мерах по кардинальному повышению роли и авторитета узбекского языка в качестве государственного языка» от 21 октября 2019 года определены задачи, касающиеся «мониторинга и координации деятельности по присвоению наименований географическим и иным топонимическим объектам в соответствии с законодательством»⁴. В связи с этим, большое значение имеет комплексное социально- и культурно-географическое исследование ойконимов Республики Каракалпакстан как целостной территориальной системы.

Диссертационное исследование в определенной степени служит осуществлению задач, предусмотренных в Указе Президента Республики Узбекистан № УП-5850 «О мерах по кардинальному повышению роли и авторитета узбекского языка в качестве государственного языка» от 21 октября 2019 года, Постановлениях Кабинета Министров Республики

³ https://unstats.un.org/unsd/ungegn/UNGEGN_Strategic_Plan_Programme/

⁴ Указом Президента Республики Узбекистан № УП-5850 «О мерах по кардинальному повышению роли и авторитета узбекского языка в качестве государственного языка» от 21 октября 2019 года.

Узбекистан № 984 «Об утверждении Положения о Департаменте развития государственного языка» от 12 декабря 2019 года, № 40 «О мерах по организации деятельности Комиссии по терминам при Кабинете Министров Республики Узбекистан» от 29 января 2020 года, Постановлении Президиума Жокаргы Кенгеса Республики Каракалпакстан № 135 «О мерах по дальнейшему повышению роли и статуса каракалпакского языка как государственного языка» от 3 ноября 2020 года, а также в других нормативно-правовых документах, принятых в данной сфере.

Соответствие исследований приоритетным направлениям развития науки и технологии республики. Данное исследование выполнено в соответствии с приоритетными направлениями развития науки и технологий республики I. «Духовно-нравственное и культурное развитие демократического и правового общества, формирование инновационной экономики» и VIII. «Науки о Земле».

Уровень изученности проблемы. Теоретико-методологические основы научных исследований географических названий разработаны такими учёными зарубежных стран, как Дж.Р.Стюарт, Н.Холмер (США), Дж.Армстронг, А.Райбурн (Канада), А.Кардозу (Бразилия), Э.Экуолл, А.Смит, А.Рум, С.Мэттьюз, П.Реаней (Великобритания), А.Доза, М.Мулон, А.Шерпилё (Франция), Г.Краэ, М.Фасмер (Германия), А.Профоуз, В.Шмилауэр (Чехия), В.Тацицкий, Й.Сташевский, С.Роспанд, К.Римут (Польша), М.Ольсон, Т.Андерссон (Швеция), В.Георгиев (Болгария), Ф.Елек, Л.Кисс, И.Пачай (Венгрия), И.Иордан, Г.Драгу (Румыния) и другими.

Социально-географическими исследованиями ойкономии в странах СНГ занимались В.П.Семёнов-Тян-Шанский, Э.М.Мурзаев, Е.М.Поспелов, Х.Л.Ханмагомедов, В.Н.Калуцков, А.Р.Бубнова, Л.С.Цыдыпова (Россия), Ю.А.Карпенко (Украина), В.А.Жучкевич, Г.Я.Рылюк, С.Н.Басик (Беларусь), К.Д.Каймулдинова, К.Т.Сапаров, С.Омарбекова, А.Е.Аяпбекова, А.Г.Абдуллина (Казахстан) и другие ученые.

В Узбекистане значительный вклад в развитие различных направлений географической топонимики, в том числе социально-географическое изучение ойконимии, внесли такие учёные, как Х.Х.Хасанов, С.К.Караев, С.С.Губаева, Н.Охунов, Т.Нафасов, П.Н.Гулямов, З.Дусимов, Н.М.Улуков, Т.Эназаров, М.Т.Миракмалов, К.М.Хакимов, Ю.И.Ахмадалиев, А.Низомов, П.С.Отакулов, Б.Т.Эшбоев, Х.М.Байкабилов. В частности, исследования по изучению ойконимов Каракалпакстана проводили и проводят К.М.Сейтниязов, Д.Т.Юлдашев, Г.М.Абишов, И.О.Холмуратов, А.Е.Есемуратов, Ж.Е.Торениязов.

Однако ойкономия Республики Каракалпакстан недостаточно изучена с социально- и культурно-географической точки зрения как целостная территориальная система, в частности, мало изученными вопросами являются внутренние территориальные различия ойкономии региона и влияющие на них социально-географические факторы, ойкономическое

районирование республики, хронологическая структура названий населенных пунктов Каракалпакстана и их историко-культурное значение как элементов наследия. Настоящая диссертация посвящена исследованию этих научно-практических вопросов.

Связь темы диссертации с научно-исследовательскими планами высшего учебного заведения, в котором выполнена диссертация. Диссертация выполнена в рамках плана научно-исследовательских работ Нукусского государственного педагогического института имени Ажинияза по теме «Географические названия Республики Каракалпакстан и закономерности их территориального распространения».

Целью исследования заключается в районировании ойкономии Республики Каракалпакстан на основе выявления закономерностей её территориальной дифференциации по различным признакам и влияющих на неё социально-географических факторов, а также в выделении из числа ойконимов республики объектов топонимического наследия, имеющих особое историко-культурное значение.

Задачи исследования:

выявить сущность, структурные особенности территориальных ойкономических систем и воздействующие на них социально-географические факторы;

проанализировать опыт социально-географических исследований ойкономии в Узбекистане и зарубежных странах и уровень научной изученности ойкономии Каракалпакстана;

изучить структуру ойкономии Республики Каракалпакстан и её административно-территориальных единиц в спектрально-стратиграфическом (языковом), лексико-семантическом (смысловом) и словообразовательном (топотерминологическом) аспектах и выявить соответствующие территориальные различия и социально-географические факторы, повлиявшие на них;

обосновать схему ойконимического районирования Республики Каракалпакстан с учётом территориальных различий ойкономии региона в языковом, лексико-семантическом и топотерминологическом аспектах;

выявить хронологическую структуру ойкономии республики, произведя на этой основе оценку её исторической устойчивости и изменчивости, изучить внутренние различия в этом отношении и определяющие их социально-географические факторы;

составить серию тематических топонимических карт, отражающих территориальную структуру ойкономии Каракалпакстана;

обосновать сущность понятия топонимического наследия, разработать критерии определения ойконимов как элементов топонимического наследия;

составить в разрезе административно-территориальных единиц Каракалпакстана перечень ойконимов, которые могут быть рекомендованы в

качестве элементов топонимического наследия, и разработать предложения по охране топонимического наследия.

Объектом исследования определены ойконимы Республики Каракалпакстан.

